

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Пахтачи туман ирригация

бўлими бошлиғи:



Ф.Номозов

2022й.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани “Фай” МФЙдаги “Сувли” бетон
копламали машина канали реконструкция қилиш лойиҳасини тайёрлаш
учун

НУҚСОНЛАР ДАЛОЛАТНОМАСИ

2021 йил 15 сентябр

Пахтачи тумани

Биз қуйидагилар:

- | | |
|-----------|---|
| Ф.Номозов | - Пахтачи туман ирригация бўлими бошлиғи. |
| Н.Жумаев | - Бош гидротехник: |
| Т.Жалилов | - Бош гидрометр |
| Б.Номозов | - Сувли канали бошлиғи |

Ишчи гуруҳ Самарқанд вилояти Пахтачи тумани “Фай” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Сувли” бетон копламали машина каналининг ПК138+00, ПК151+00 ва 152+00даги 3 дона сел ўтказувчи иншоотларини ҳамда каналнинг 0,2 км қисми ўрганаб чиқилди. Ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

Пахтачи туманидаги “Фай” МФЙдаги “Сувли” бетон копламали машина канали 1980 йилда қурилган бўлиб, жами 33,5 км ни ташкил этади. Ўзани бетон копламали. Сув ўтказиш қобилияти 12,0 м³/с. Каналдан қишлоқ аҳолиси ва фермер хўжаликлари фойдаланади. “Сувли ЛВ-1” каналдан “Фай” мфйга қарашли қишлоқ аҳолиси ва Зиёвуддин Санақул ММТП ҳудудидаги фермер хўжалиklarининг 1100 га экин майдонлари шундан 360 га ғалла, 410 га пахта ва 330 га бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан иборат.

“Фай” маҳалла фуқаролар йиғини “Сувли” қишлоғи ҳудудидаги “Сувли ЛВ-1” каналининг ҳозирги ҳолати ута қониқарсиз. Ушбу канал 1980 йилда ишга тушурилган бўлиб, ҳозирги кунга келиб кўп йиллар давомида кузги қишги вегетация даврларида мунтазам ишлатилган ва 2018 йилда кучли ёмғир ёғиши туфайли келган сел сувлари натижасида ушбу каналнинг 138+00, 152+00 ва 153+00 пикетларида канал бетон копламаси


бузулиб, канал дносини пастки кисмидан утказилган 3 дона сел утказувчи иншоотни кучли сел суви ювиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бунинг натижасида канал шу кисмида 2 дона бузулган сел указиш иншооти устидан айланма канал килиниб вақтинча фойдаланилмоқда. Каналнинг бетон қисми ёрилиб, кўпорилиб кетган. Каналда сув етказиб келиш қийинлашганлиги сабабли кўпгина сувли ерлар лалми ҳисобида фойдаланишига тўғри келмоқда. Шу сабабли суғориш даврида кўпгина муаммолар юзага келмоқда.

“Сувли ЛВ-1” канали тупроқ, қум ва қамишга тўлиб қолган. Сув ўтказиш қобилияти 20-30% га пасайиб кетган. Ер майдонинг охириги қисмларига сув етиб бормаганлиги сабабли сувоти ерлар лалми ҳисобида фойдаланишига тўғри келмоқда. Бу эса ғалла ва қишлоқ экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Самарқанд вилояти Пахтачи тумани “Фай” МФЙ ҳудудидаги Сувли ЛВ каналининг ПК138+00, ПК151+00 ва 152+00 даги 3 дона сел ўтказувчи иншоот (1- сел утказувчи иншоотнинг сув утказиш қобилияти 1.0 м³/с; 2- сел утказувчи иншоотнинг сув утказиш қобилияти 2,0 м³/с; 3- сел утказувчи иншоотнинг сув утказиш қобилияти 5,0-6,0 м³/с;) ларни ва 0,2 км қисмида реконструкция ишлари бажариш талаб этилади.

“Фай” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Сувли ЛВ-1” каналида реконструкция ишлари бажарилганда ерларни суғориш ишлари енгиллашиб, қишлоқ аҳолиси ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлиги кўпайишига имкон беради. Ушбу ҳудудда пахта-ғалла ҳосили 3-4 центнерга, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошади. Қишлоқ аҳолиси ободончилигига замин яратилади.

Бош гидротехник:
Бош гидрометр
Сувли канали бошлиғи



Н.Жумаев
Т.Жалилов
Б.Номозов